

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

“Гидромелиорация” факультети

“Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси

Химояга рухсат этилсин
«Экология ва СРБ» кафедраси
мудирлари проф. Салоҳиддинов
А.Т. _____
«_____» _____ 2013 йил.

Бакалавр даражасини олиш учун

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Мавзу: «Қашқадарё вилояти Қамаш туманида қайтарма сув ресурслари
ва уларнинг минерализациясини суғориш учун баҳолаш»**

Бажарувчи:

Аҳмадов Абдурашид

Битирув иши рахбари:

Икрамов Раҳимжон
Каримович

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1.боб объектнинг табиий хужалик тавсифи.....	5
1.1. Объектнинг жойлаши.....	5
1.2. Иқлим шароити	6
1.3. Геоморфологик ва гидрогеологик шароити.....	6
1.4. Тупрок шароити.....	9
2. боб Ерларнинг мелиоратив ҳолати	10
2.1. Сизот сувлари чуқурлиги ва минерализацияси	10
2.2. Тупрок шурланиши.....	15
2.3. Қайтган сувлар ва коллектор дренаж тизимларининг техник ҳолати..	27
3. боб Коллектор дренаж сувларининг суғоришда ва шур ювишда ресурсларини баҳолаш.....	32
3.1. Коллектор дренаж ресурсини баҳолаш.....	32
3.2. Коллектор дренаж сувининг сифатини баҳолаш.....	36
4. боб Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозининг сув хўжалиги ва Қишлоқ хўжалигига тасири ва уни бартараф этиш йўллари.....	42
5. боб Ҳаёт фаолияти ва ҳафсизлиги.....	48
5.1. Ҳаёт фаолияти ҳафсизлигининг назарий асослари	48
5.2. Фуқора муҳофазаси.....	49
5.3. Ёнғин хавсизлиги.....	52
5.4. Биринчи тиббий ёрдам.....	53
ҲОҶДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР	55
Интернет маълумотлари	57

Кириш.

Деҳқончиликнинг ютуғи энг аввало ерларнинг мелиоратив ҳолатига боғлиқ бўлади. Шўрланган ерларда на олий навлар, на озуқалар, на тупроқларга ишлов бериш қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун яхши шароит яратиб бермайди. Шунинг учун пахтанинг янги ва серҳосил, тезпишар ҳамда сифатли ҳосил берадиган навларини етиштиришдан олдин худуднинг мелиоратив ҳолатини ҳисобга олиш ва уни яхшилаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида суғориладиган ерларнинг ҳозирги даврдаги ҳолати кўйидагича белгиланган :

- суғориладиган ерларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолати қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ўстиришга ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини оширишга тўғоноқ бўлмоқда ;

-ҳозирги вақтда суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпроғини турли даражада шўр босган, айни вақтда фермер хўжаликларига қаршли суғориладиган ерларнинг 16%-дан ортиғи қониқарсиз ҳолатдадир.

Ўзбекистон Республикасида суғориладиган ерлар майдони 4,3 млн.га булиб бундан 144 минг гектари кучсиз 668 минг гектари ер ўрта ва 168 минг гектар ерлар кучли шўрланган. Демак 836 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати қониқарсиз даражада. Бунга асосий сабаблар-каналлардан сувнинг фильтрацияга йўқолиши, далалардан сувларнинг зовур ва коллекторларга оқизиб ташланиши, суғориш ҳамда сувдан фойдаланиш режаларига риоя қилмаслик, суғориш ишларининг ёмон ташкил этилиши, хўжалик ички гидромелиоратив тизимлари техник ҳолатининг паст даражада бўлиши, ер текислаш ишларининг сифатсизлиги, ҳамда шўр ювиш ишларининг самарасизлигидир. Суғориладиган майдонларни сув билан таъминлаб туриш учун умумий сув сарфи 2500 м³/сек.дан ортиқ бўлган 75 йирик каналлар, умумий ҳажми 18,6 млрд.м³бўлган 53 сув ва 25 сел омборлари, 32,4 минг км хўжаликлараро, 174,5 минг км хўжалик ички суғориш тармоқлари, 31 минг км хўжаликлараро, 106,3 минг км хўжалик ички зах қочириш тармоқларидан фойдаланилмоқда.

Суғориш ва зах қочириш тизимларининг нотўғри эксплуатация қилиниши-уларнинг гидротехника иншоотлари билан кам таъминланганлигидир. Каналларнинг сув ўтказгичлар билан жиҳозланиши 20-30% дан, сув тусувчи иншоотлар билан таъминланиши 15-20% дан, гидрометрик пост ва сув ўлчагичлар билан таъминланиши эса 30-40% дан ошмайди.

Хўжаликдаги мавжуд гидромелиоратив тизимлари техник ҳолатининг кониқарсизлиги ва улардан фойдаланишда йўл қўйилаётган катор камчиликлар натижасида қишлоқ-хўжалик механизмлари сонининг ортиб боришига, минерал ўғитлардан кўп миқдорда ҳамда олий навли уруғлардан фойдаланилганлигига қарамасдан қишлоқ-хўжалик экинларидан олинаётган ҳосилдорлик пастлигича қолмоқда.

Шунинг учун фермер-деҳқон хўжаликларининг рентабеллигини ошириш ҳамда экинлардан доимий юқори ҳосил олишга замин яратишнинг, асосий шартларидан бири-илм, фан ва амалиётнинг янги, замонавий ютуқларидан фойдаланиб, хўжаликда ероларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун шўр ювиш ишларини ўтказиш суғориладиган ерларнинг мақбул мелиоратив режимини таъминлайдиган ёпиқ ётиқ дренажнинг параметрларини тўғри танлаш ҳисобланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда жаҳон мамлакатларида суғориладиган майдонлар мелиоратив ҳолатининг оғирлашиши, шўрланган ерлар миқдорининг ортиши кузатилмоқда.

Юртимизнинг аксарият суғориладиган майдонларидаги суғориш ва мелиорация иншоотларининг нисбатан эскирганлиги ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, унумдорлиги пасайишига олиб келмоқда. Ушбу масалага Юртбошимиз жиддий эътибор қаратиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, шўрланишга қарши чора кўрмасдан туриб, юқори ҳосил олиш қийинлигини кўп бор таъкидлайди. Ерларни суғориш унинг сув ва туз режимларининг тубидан ўзгаришига олиб келади. Тупроқларнинг ўсимлик илдиз жойлашган фаол қатламини сунъий намлантириш, хар доим сувнинг бир қисмининг пастки қатламларга чизилиб ўтиши билан яқунланади ва бунинг натижасида сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши кузатилади. Суғориш тизимларидан сувнинг фильтрацияга сарфланиши ҳам шундай натижага олиб келади. Сизот сувлар сатҳининг кўтарилиши ерларнинг ботқоқланишидан ташқари ерларнинг туз режимининг ёмонлашишига имкон яратади. Бу жараёнда сизот сувлари тупроқнинг устки қатламларидаги тузларни эритади ва унинг чуқурлиги ер юзасига яқин бўлганлиги учун сизот сувлари буғланишга сарфланади натижада тупроқнинг устки қатламларида тузларнинг тўпланиши кузатилади.

Янги замонавий суғориш техникасини ва дренажнинг техник мукамал тури билан биргаликда фойдаланиб, шўр ювиш ҳамда суғоришнинг ювилма режимини қўллаш ерларнинг шўрланишига қарши қўлланиладиган асосий мелиоратив тадбир эканлиги тан олинган. Кейинги йилларда мамлакатимизда техник жиҳатдан мукамаллашган, қуриш шўрлари тўлиқ механизациялашган дренаж тизимларини қўллаш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Республикада суғориладиган ерларнинг дренаж билан таъминланган майдони 2,809 млн га, дренаж қуришни талаб қиладиган ерлар 3,309 млн гектарни ташкил қилади. Очiq горизонтал дренажлар қурилган ер майдони 1,706 млн гектарни, ёпиқ горизонтал дренаж қурилган ер майдони 0,9 млн гектарни, тик дренаж билан таъминланган ер майдони 0,04 млн гектарни ташкил қилади. Дренажларнинг умумий узунлиги 13260 кмни, нисбий узунлиги 46,7 м/га-ни, тик дренажлар сони 4431-та кудуқлардан иборат, нисбий таъминланганлик 90 га/кудукга тенг. Агротехник ва мелиоратив тадбирлар мажмуасида дренаж тупроқ аэрация зонасида мақбул сув ва туз режимини таъминлаб туриши зарур. У худуднинг табиий шароитдаги ер ости сувлари оқимининг пастки қатламларга сизилишни кўчайтиради ва йилнинг хар-хил даврларида сизот сувлар сатҳининг белгиланган қуритиш нормасигача пасайишини таъминлайди.

1. боб. Объектнинг табиий хужалик тавсифи .

1.1. объектнинг жойлаши

Вилоят худуди Кашкадарё хавзасида Помир-Олой тоғ системасининг гъарбий чеккасида, Амударё ва Зарафшон дарёлари орасида жойлашган. Асосан Кашкадарё ботиғини ўз ичига олган бўлиб, шимоли-шарк ва жануби-шаркда Зарафшон ҳамда Хисор тизма тоғлари билан ўралган. Тоғлар билан текисликлар ораси адирлар текисликнинг катта қисми гъарбда Сандикли ва Кизилкум чўллари билан туташган Карши чўлидан иборат. Вилоят шимоли-шарк, шарк ва жануби-шаркда тоғликлар билан ўралган. Бу ерда Зарафшон ва Хисор тизмалари, Чакчар тоғлари кўтарилиб туради, уларнинг энг баланд нукталари 3750-4100 метргача етади. Камаши тумани Кашкадарё вилоятининг шарк қисмида жойлашган бўлиб жануби-шаркдан Ғузор билан чегарадош.

1.2. Иклим шароити

Иклими континентал, ёғин-сонин микдори, айниқса чўл минтақасида жуда оз. Бинобарин, бу ерда дехкончиликни ривожлантириш учун ирригатсия шахобчаларини қуриш талаб этилади. Тоғ олди ва тоғ минтақасида йиллик ёғин-сонин микдори хатто 800-900 ммга етади. Бу эса дарёларнинг туйинишига кўлай шароит яратади. Киши нисбатан юмшоқ. Ёзи узок 155-160 кун, иссиқ, қуруқ. Январнинг ўртача температураси 0.2 граддусдан 1.9

граддусгача, июлники 28-29.5 граддус. Энг юкори температура 45 граддус. Энг паст темпуратура -20 граддус . Йиллига текисликларда 290-300мм, адирларда 520-550мм, тогъларда 550-650мм ёгъин тушади. Ёгъин асосан бахор ва кишда ёгъади, ёзда гаримсел эсади. Тогъларда тургъун кор коплами хосил бўлади (2-6 ой). Вегетатсия даври текисликларда 290-300 кунгача.

1.3. Геоморфологик ва гидрогеологик шароити

Вилоят худуди Кашкадарё хавзасида жойлашган. Кашкадарёга Жиннидарё, Оксуб, Танхоздарё, Оёкчидарё, Кизилдарё ва бошқалар келиб кўшилади. Натижада вилоятнинг юкори (Шахрисабз) минтакасида гидрографик тизимнинг анча ривожланган шакли вужудга келади. Бирок, Кашкадарё кўйи минтакага борган сари унинг суви камайиб боради ва бир вақтлар Зарафшон дарёсигача бориб етган бу дарё хозирда Карши-Косон атрофида тамоман тугаб қолади.

Кашкадарёда сугъорма дехкончиликни ривожлантириш мақсадида 70-йилларда Карши дашти ўзлаштирилиши кенг миқёсда олиб борилди. Хозирги кунда вилоят худудида каптор сугъориш иншоотлари барпо этилган. Масалан, бу ерда Хисорак, Калкама, Чимкўргъон, Камаши сув омборлари мавжуд, Гъузур туманини асосан Пачкамар сув омбори ва Гъузурдарё сугъоради.

Йирик Карши магистрал канали Амударёдан бошланади ва қиска масафада кўшни Туркменистон худудидан ўтади, сўнгра у катта Талимаржон сув омборига кўйилади, ундан кудратли насос станциялари ёрдамида 132 метр баландликка кўтарилиб берилади. Бундан ташқари сўл минтакаси Миришкор (аввалги Улянов) канали сувлари билане ҳам сугъорилади, вилоятнинг шимолий қисмига, асосан Чирокчи туманига Зарафшон сувлари Эскианхор канали орқали етиб келади.

Республикамизнинг шунга ўхшаш бошқа худудларида бўлганидек, бу ерда ҳам кўплаб зовурлар (коллекторлар) ва тўпланиб қолган шўр, оқова сувлардан ташқил топган туз кўллар бор. Улар кўпроқ Карши даштида учрайди. Демак бир томондан канал ва сув омборлари ерларни сугъоришда хизмат қилса, ободонлаштирса, иккинчи томондан, зовур ва сунъий кўллар худуд агроэкологиясининг ноқўлайлигидан дарак беради.

Сув ресурслари. Сув табиат томонидан инсон учун инъом этилган бебаҳо бойликдир. Кашкадарё вилояти кишлок хужалиги маҳсулотларини етиштириш қулай иссиқлик шароитларига эга бўлсада, бу худуд учун йилнинг катта қисмида (Айникса ёз ойларида) намнинг ўта танқислиги хосдир.

Кашкадарё вилоятининг текислик кисмида йиллик ёгъинларнинг миқдори 145-230мм ни, адирларда 300-370мм ни, тоғларда 400-650 ммни ташкил этади.

Айни пайтда йиллик ёгъинларнинг 90-95%и ноябр-май ойларида тушади. Шу сабабли кишлок хужалиги экинларидан факат сугъориб хосил олиш мумкин. Шунингдек вилоятда етиштириладиган кишлок хужалик экинларининг сугъориш меъри хам анча катта. Масалан, гъалла экинлари учун сугъориш меъри хар бир гектар майдонга 7900м куб, куп йиллик ўтлар учун 10100-10700м куб, сабзавотлар учун 11100-11200м куб, ГЪўза учун 8300-8500м куб, богълар учун эса 7700-7900мс кубни ташкил этади. Шу сабабли барча курук иклимли минтакалардаги каби бу ерда хам сув ресурсларидан оқилона ва тежамкорона фойдаланиш вилоят хужалик тармоқларни янада ривожлантиришининг мухим шарт-шароитидир.

Кашкадарё хавзасининг сув ресурслари асосан дарёлар, сойлар, булоқлар, кўллар хамда ер ости сувларидан ташкил топган. Вилоятнинг асосий махаллий сув манбалари Кашкадарё ва унинг ирмоқлари Оксув, Танхоз, Жиннидарё, Яккабоғдарё, Турнабулоқ, Лангардарё, Катта Ура, Кичик Ура ва ГЪузур дарёларининг сувларидан иборат. Вилоят худудида вужудга келган оқимли куп йиллик ўртача миқдори 1,28 км кубни ташкил этади ёки хар бир кишига йилига 750м кубга якин сув тўғъри келади.

Кашкадарё вилояти сув ресурсларининг асосий манбаи бўлган ер усти сувлари (дарёлар) худудий жихатдан жуда нотекис таксимланган. Вилоятдаги дарёлар асосан тоғли ва тоғ олди раёнларда оқади. Шунингдек дарёларнинг сув режими хам кишлок хужалик экинлари сугъориладиган даврига мос келмайди. Шу сабабли оқимни тартибга солиб туриш ва вегетатсия даврида сугъоришда фойдаланиш учун лойихадаги сув хажми 2,5 млрд. м кубдан, фойдали сув хажми эса 2,3 млрд. м кубдан ортиқроқ бўлган 14 та сув омбори курилган.

Ер усти сувларидан ташкари вилоятда худудий таксимланиш, сувли катламларнинг чуқурлиги менераллашув даражасига кўра турли хил бўлган ер ости сувларининг хам анча катта захиралари аниқланган. Хозирги пайтда ер ости сувлари сугъоришда аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда, саноат корхоналарини, маиший коммунал хўжаликларини сув билан таъминлашда анча катта миқёсда фойдаланилмоқда. Ер ости сувларидан фойдаланиш максидида вилоятда 5500га якин артезиан кудуқлар казилган, лекин бу кудуқларнинг деярли ярми сув олишда турли сабабларга кўра фойдаланилмаётир. Хисобларга кўра турли сохаларда фойдаланиш учун вилоятда ххар йил ўртача 0,4 км куб миқдорида ер ости сувлари олинади, шундан 0,2 км кубдан купроғи сугъоришда фойдаланилади.

Кашкадарё вилоятида махаллий сув ресурслари сувга бўлган эҳтиёжнинг атига 20% га яқинини кондиради. Шу сабабли сувга бўлган эҳтиёжнинг катта қисми қушни хавзаларнинг сув ресурслари ҳисобига қониктирилади.

Кашкадарё хавзасидаги янги ерларни ўзлаштириш ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида дастлаб Зарафшон дарёсида сув оладиган “Москва”, кейинроқ эса Амударёдан сув оладиган Карши каналлари қурилди. Ҳозирги пайтда махаллий ва қўшни хавзалардан олинадин олинадиган сув ресурсларининг умумий миқдори фойдаланилаётган ер ости сувлари билан бирга 6,7-6,9 км кубни ташкил этмоқда. Мавжуд сув имкониятларидан 6,4 км кубга яқини сўғъоришда, 0,084 км куб саноатда, 0,14км куб қомунал хўжалиқда, 0,018км куб бошқа соҳаларда фойдаланилади. Сўғъоришда 0,3км кубга яқин сув қайта фойдаланилади. Мутахассисларнинг ҳисобига қўра вилоятда аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш, саноат қорхоналари, маиший-қомунал хўжалиқни ва бошқа тармоқларининг эҳтиёжларини таъминлаш учун ҳар сутқада 1млн. м кубдан ортиқ сув сарфланмоқда.

Вилоятдаги сув хавзаларининг саноат, қоммунал хўжалиқ, соғълмлаштириш ва қишлоқ хўжалиғи қорхоналарининг ифлос қикинди ва оқова сувлари билан ифлосланиш даражаси анча юқори. Чунки ифлос қикинди сувларни тозаловчи иншоотлар етарли эмас, мавжуд иншоотлар ҳам тўла қувват билан ишламаётир.

Вилоятга ном берган Кашкадарёнинг ўзи ҳам бугунги қунда муҳофазага муҳтож бўлиб қолган. Дарё ўзанигача бўлган ерларнинг ўзлаштирилиши туфайли ноёб ўсимлик ва хайвонлари бўлган ўзига ҳос табиий қомплекслар-тўқайлар йўқотилади. Тупроқларнинг зах босиши ва шўрланишини қамайтириш мақсадида қазилган зовурлар орқали Шаҳрисабз шаҳридан деярли Қарши шаҳригача бўлган масофада минераллашув даражаси анча юқори бўлган сувлар Қашкадарёга оқизилмоқда.

Кашкадарё вилоятда сугъорма дехқончилиқ қилинадиган ерлар майдонининг қенгайиши сув омборларининг қурилиши ва қўшни Амударё ва Зарафшон дарёси хавзаларидан каналлар орқали сув олиниши билан боғълик. Айниқса Амударёдан ҳар бир секундда 240 м.куб сувни 132 м. баландликка қикарадиган 7 насос стантсияси сув берадиган Қарши бош каналининг қурилиши вилоятда катта майдонларни ўзлаштириш ва сугъориш имқонини берди.

Сугъорма дехқончилиқ шароитларида табиатдан оқилона фойдаланишнинг ҳусусиятларидан бири ер-сув ресурсларидан узвий боғълик равишда тўғъри фойдалана билишдир, чунки сув ресурсларидан нотўғъри фойдаланиш сугъориладиган ерларда экологик-иктисодий нуқтаи назардан номакбул

жараёнларнинг кучайишига ва натижада ерларнинг махсулдорлигини камайишига олиб келади. Сугъориладиган ерларнинг табиий имкониятларидан фойдаланиш табиий-худудий комплексларнинг тубдан ўзгаришига, табиат комплекслари орасидаги мувозанатни бузилишига олиб келади.

1.4. Тупрок шароити

Асосан сугъориладиган эрларнинг тупрогъ оч, кучсиз, типик ва оч бўз тупрок бўлиб, кам, ўрта ва кучли шўрланган, механик таркибига кўра, кумок ва соз тупроклардир. Эр ости сувининг чуқурлиги 1метрдан 5метргача бази жойларда 5метрдан хам пастрок. Ўсимликлардан лолагъалдок, бой чечак, чучмома, коки, ялпиз, исмалок, янток, шўра, шувок, кўзикулок, туятовон, жузгъун ковул, оккурай, каррак, илок, бетага, камиш, юлгъун, окбош, кушкунмас, наматак, мингбоши, читир, гъумай, печак, саксавул, хар хил буталар, жийда, дулана, тол, терак, кайрагъоч, окакатсия, заранг, шумтол ва бошка усимликлар ўсади.

2 боб. Ерларнинг мелиоратив ҳолати

2.1. Сизот сувлари чуқурлиги ва минерализатсияси

Кашкадарё вилоятининг сугъорма дехкончилик қилинаётган ерларида ҳам сувдан сугъоришда тежамсизлик билан фойдаланилаётганлиги, гидромелиоратсия ва агротехника қоидаларига риоя қилинмаётганлиги туфайли анча майдонларда кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришига салбий таъсир этадиган номақбул жараёнлар (қайта шўрланиш, зах босиш, ирригатсия эрозияси, тупроклардаги чиринди ва организмлар микдорининг камайиши, суффозия-карст ва б.ш.) намоён бўлмоқда. Айниқса сизот сувлари сатхининг кўтарилиши туфайли қайта шўрланган ерларнинг майдони йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Мавжуд маълумотларга кўра 1966 йилда вилоятда шўрланган ерларнинг майдон атиги 28,3 минг га бўлган. 1990 йилда эса бундай ерларнинг майдони 172,2 минг га ни ташкил этган бўлиб, шундане 18,3 минг га кучли шўрланган ерлардир. Кейинги уч йил мобайнида 10 минг га дан ортик экинзорлар шўрланиш туфайли хисобдан чиқарилган.

Сизот сувлари сатхининг кўтарилиши ва қайта шўрланишнинг олдини олиш борасида ўтказиладиган гидромелиоратсияга доир талаблар орасида сугъоришга сарфланадиган сувдан мезонида фойдалана билишдан ташқари шўр сувларни олиб кетадиган зовурларнинг узунлиги ва сув ўтказиш имкониятларини сугъориладиган ерларнинг майдонига мос келтириш лозим. Карши чўли шароитларида хар бир гектар сугъориладиган майдонга 40-50 пог.м. зовур тўғри келиши керак. Лекин бу кўрсаткич мезондагига нисбатан деярли икки марта камроқдир. Шу сабабли мавжуд зовурлар орқали барча шўр сувларни сугъориладиган ерлардан ташқари окизиб юборишнинг имконияти йўқ. Натижада шўр сувлар билан чиқазилиши лозим бўлган тузларнинг деярли ярми далаларда қолиб кетади ва шўрланиш жараёнини кучайтирмоқда.

Сизот сувлар сатхи ва унинг шўрланиши асосан, зах қочириш тармоқларининг техник ҳолатига ва оқар сувларнинг керадгидан ортик исроф қилинишига, атмосфера ёғин микдорига, вегетация давридаги оқар сувлар таминотига ҳамда четдан кириб келадиган ер ости сувларининг ҳаракатига боғлиқ.

Ўзбекистон республикасининг эрларини яримидан кўп майдонларида сизот сувлари чуқурлиги 2 метрдан яқин. Шу жумладан Қашкадарё вилояти Қамаша туманидаги ерларда сизот сувлари сатхининг чуқурлиги 1 метрдан 5 метргача ва ундан чуқурак жойлашган. Масалан бу ҳудудлар Чим, Окробод, Муххаммадиев, Гиштли, Қоратепа, Фаргона, Гагарин, Қорабоғъ, Охунбобоев, Ғаллакор, Тонг, Чимқурғон, Навруз, Лангар ва бошқа кичик ҳудудлар. Туман бўйича бу ҳудудларнинг 7.6 М,ГА ри дренаж билан таминланган. Ҳудудлар бўйича СИУлар номи Қирққиз-кичиксой, Окробод, Жонбуссой, Қухгунлисуви, Қизил-кул, Пахтаобод, канали, Қутанбой-Лойқасой, Хисорак-Бобуртепа, Хонтушди мироби ва бошқалар.


Сизот сувлари минерализатсияси бўйича майдонларнинг тақсимланиши, Окробод, Тўқбой, Мухаммадиев, Гиштли, Қоратепа, Ғаллокор, Тонг, 1-3 г/л

гача, Чим, Фарғона, Гагарин, Қорабоғ, Охунбобоев, Чимқурғон туманларида 3г/л дан юқори.

2.1.1. Жадвал: Қашқадарё вилояти Қамаши тумнида суғориладиган майдонларнинг сизот сувлари сатҳи чуқурлиги буйича маълумот

т/р	Худудлар номи	СИУ номи	Суғориладиган майдонм.га	Сизот сувлари сатҳ чуқурлиги					
				1-м.гача	1-1.5 м.гача	1.5-2 м.гача	2-3 м.гача	3.5-5 м.гача	5-метрдан ортиқ
1	Чим	Қирққиз	2.78				0.7	1.32	0.76
2	Оқрабод	Оқрабод	2.60					1.26	1.34
3	Мухаммадев	Жонбуссой	3.11				0.04	1.68	1.08
4	Гиштли	Қирққизх	2.52				0.01	0.68	0.88
5	Қоратепа	Кухеунли	1.57			0.02	0.26	1.8	1.1
6	Фарғона	Қизил кул	3.18			0.03	2.49	0.62	0.22
7	Гагарин	Пахтабод	3.16		0.01	0.03	3.08	0.5	
8	Тукбой	Жонбуссой	3.62				0.02	1.53	1.56
9	Қорабоғ	Лойқасой	2.05				0.95	1	0.1
10	Охунбобоев	Лойқасой	2.29				1.25	0.96	0.08
11	Чимқурғон	Оқрабод	1.97				0.38	1.38	0.21
12	Ғаллакор	Бобуртупа	2.05					1.08	0.97
13	Навруз	Хонтушди	1.70			0.01	1.34	0.34	0.01
14	Тонг		0.87					0.03	0.84
15	Лангар		0.40						0.4
16	Бошқалар	бошқалар	1.12				0.06	0.72	0.34
Жами:			34.99		0.01	0.09	10.58	14.62	9.69


2.1.1-расм. Сизот суви сатҳи чуқурлиги харитаси



2.1.2. Жадвал: Қашқадарё вилояти Қамаши туманида суғориладиган майдонларнинг сизот сувлари шурланганлиги буйича маълумот. 2012 йилги

т/р	Худудлар номи	СИУлар номи	Суғориладиган майдон. М.га	Сизот сувлар шурланганлиги				
				1г/л гача	1-3г/л гача	3-5г/л гача	5-10г/л гача	10г/лдан юқори
1	Чим	Қирққиз	2.78	0.52	0.94	0.7	0.6	0.02
2	Оқрабод	Оқрабод	2.60	1.25	1.33	0.02		
3	Тукбой	Жонбуссой	3.11	1.53	1.55	0.03		
4	Мухаммадев	Жонбуссой	2.52	1.29	1.21	0.02		
5	Ғиштли	Қирққиз	1.57	1.06	0.42	0.08	0.01	
6	Қоратепа	Кухтунли	3.18	1.64	1.54			
7	Фарғона	Қизил кул	3.16		0.04	0.86	2.22	0.04
8	Гагарин	Пахтаобод	3.62		0.03	0.84	2.72	0.03
9	Қорабоғ	Лойқасой	2.05		0.01	0.94	1.09	0.01
10	Охунбобоев	Лойқасой	2.29		0.22	0.92	1.14	0.01
11	Чимқўрғон	Оқрабод	1.97	0.22	1.33	0.34	0.08	
12	Ғаллакор	Бобуртепа	2.05	1.2	0.85			
13	Навруз	Хонтушди	1.70		0.01	0.48		0.01
14	Тонг		0.87	0.84	0.03		1.2	
15	Лангар		0.40	0.4				
16	Бошқалар	Бошқалар	1.12	0.08	0.46	0.58		
Жами:			34.99	10.03	9.97	5.81	9.06	0.12

2.1.2-расм. Сизот суви шўрланиш харитаси



2.2. Тупрок шурланиши

Туман иктисодиётининг агросоҳаси асосан пахта, гъалла ва етиштиришга ихтисослашган. Сугъориладиган умумий экин майдони 2012 йил маълумотларига кўра 34.99 минг га бўлиб, у вилоят экин экиладиган ерларнинг 7.4 фоизини ташкил қилади.

Вилоят агросоҳсининг ҳудудий таркибида Чирокчи, Касби етакчи туманларидан кейинги ўринларда улар биргаликда етиштирилаётган кишлоқ хўжалиқ маҳсулотларининг тахминан 1/5 қисмидан кўпроғини таъминлайди. Бу борада Камаши, Шахрисабз, Китоб, Карши ва Косон туманларида ҳам вазият яхшироқ.

Кишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини етиштириш учун табиий шароит қулай. Иклими кескин континентал бўлиб, совуксиз давр 210-242 кунни, ижобий температуралар йиғиндиси 4760-5200 градусни ташкил этади. Вилоят анча катта ер ресурсларига эга.

Сугъориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ва тупрокнинг шурланиш даражаси ўз навбатида эр ости сизот сувларининг сатҳи, уларнинг шурланиш даражаси ҳамда ҳаракатланишига узвий боғлиқ бўлиб, доимо ўзгариб туради. Тупрок шурланиши бўйича майдонларнинг тақсимланиши деярли барча туманларнинг сугъориладиган эрлари кам шўрланган, урта шўрланган ва кучли шўрланган даражада, Камаши туванинг энг кучли шўрланган ҳудуди бу Гагарин ҳудудидир унинг 0.26 минг гектар эри кучли шўрланган бу майдонларнинг қариб катта қисми дренаж билан таъминланмаган. Туман бўйича сугъориладиган эр майдони 34.99 минг гектар бўлиб, шундан шўрланмаган эр майдони 17.38 минг гектарни ташкил этса бу ҳудуднинг 9.85 минг гектари дренаж билан таъминланган, коникарли эр майдони 16.69 минг гектар бўлиб унинг 6.31 минг гектари дренаж билан таъминланган, кучли шўрланган эрлар 0.92 минг гектар бу эрнинг 0.10 минг гектари дренаж билан таъминланган. Бу ҳудудларда январ, фебрал, ойларида шўр ювиш ишлари олиб борилади.

2.2.1-жадвал. Қашқадарё вилояти Қамаши тумани суғориладиган майдонларнинг Шурланиш тўғрисида маълумот

т/р	СИУлар номи	Суғориладиган майдон.м.га	Суғориладиган майдонларни тупроқ шурланиш даражаси бўйича булинганлиги (0-100см)			
			Шурланмаган	Кучсиз шурланган	Уртача шурланган	Кучли шурланган
1	Қирққиз-кичиксой	2.78	0.66	1.36	0.71	0.05
2	Оқрабод	2.6	1.78	0.82		
3	Жонбуссой	3.11	2.14	0.85	0.12	
4	Қирққиз-кичиксой	2.52	1.28	1.17	0.07	
5	Кукеунди суви	1.57	1.09	0.43	0.05	
6	Қизил кул	3.18	1.74	1.22	0.10	0.12
7	Жонбуссой	3.16	0.60	1.66	0.70	0.20
8	Пахтакор канали	3.62	1.28	1.39	0.69	0.26
9	Кутанбой-Лойқасой	2.05	0.54	0.87	0.60	0.04
10	Кутанбой-лойқасой	2.29	1.11	0.93	0.23	0.02
11	Хисорак-Бобуртепа	2.05	1.98	0.07		
12	БЛУ-Найл	0.87	0.66	0.21		
13	Хонтушди-мирови	1.70	0.84	0.57	0.24	0.05
14	Қирққиз-кичиксой	1.97	0.64	1.25	0.04	0.04
15	Бошқалар	1.52	1.05	0.47		

Жами	34.99	17.39	13.27	3.55	0.78
------	-------	-------	-------	------	------

Приборнинг вазифаси

Табиий шароитларда тупроқ ва сувнинг электр ўтказувчанлиги ва ҳароратини ўлчайдиган «Прогресс 1Т» мосламаси сув эритмаларида эрийдиган тузлар куюқлигини далада ўлчаш учун мўлжалланган (жумладан, ичимлик, суғориладиган, сизот, коллектор, дренаж сувларни). Шунингдек, ундан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин.

«Прогресс 1Т» приборининг тузилиши

«Прогресс 1Т» юза томони панелли ва орқаси қопқоқли корпусдан иборат платмасса корпус шаклида тузилган. Олдинги панелда диапазонларни ўзгартиргич, «Ўлчаш» тугмаси ва рақамли белгилар кўринадиган суёқ кристалли рақамли табло жойлашган. Приборнинг орқа томонидаги қопқоғи корпуснинг асосий қисмига иккита шуруп билан маҳкамланади. Олд томонидаги панелда «0» ва «Калибровка» қурилмаси, шунингдек, ўлчаш режимини ўзгартирадиган «Электр ўтказувчанлик»- «Ҳарорат» тугмаси ўрнатилган.

Приборнинг ўлчаш блоки махсус мосламадаги штирда ўрнатилган бўлиб, бу энергия таъминоти блокининг батареяларини алмаштириш учун ўлчаш блокинни айлантириш имконини беради. Штирда электр ўтказувчанлик ва ҳароратни ўлчагич ҳисобланган фаол электрод қисми мавжуд.

«Прогресс 1Т» прибори ўлчаш узелининг умумий кўриниши 1-расмда кўрсатилган.

Приборнинг ишлаш принципи ва техник хусусиятлари

Электр ўтказувчанликни ўлчашда приборнинг ишлаш принципи сувда эрийдиган тузларнинг ион ва катионларга парчаланиш хусусиятлари ва уларнинг электр майдон таъсири остида электрод ўртасида кўчишига асосланган. Электродлар ўртасида кучланиш пайтида ташқи занжирда текшириляётган сув эритмалари ва нам тупроқда ионлар сони ва фаоллигига мутаносиб ток ҳосил бўлади.


Ҳарорат электрод учида ўрнатилган ўлчагич ёрдамида аниқланади. Ҳароратни ўлчаш диапазони -10°C дан $+70^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади.

«Прогресс 1Т»нинг техник хусусиятлари


Одатдаги ҳароратлар диапазони, $^{\circ}\text{C}$	+ 5 дан + 40 гача
Ишлатиладиган қувват, Вт, шундан кўп эмас:	0,2
Таъминот манбаи- AG13 батареякалари, дона	7 - патрон 1
(AG10, G12 батареякалари ёки 389 А аккумуляторларига алмаштириш мумкин)	7 - патрон 2
Ахборот тақдим этиш, ўнли разрядлар	3,5

Электр ўтказувчанликни ўлчаш диапазони, dS/m	0,01 дан 49,99 гача
Ўлчанадиган NaCl қуюқлик дапазони, г/л	0,1 дан 25 гача
Қуюқ қолдиқни аниқлаш учун калибровка жадвалига зарурат борми	ха
Электр қисми ҳисобидан ўлчаш камчиликлари, % дан кўп эмас	+ - 5
Электрон блокнинг ҳажми, мм	126 x 70 x 26
Ўлчанадиган ҳарорат диапазони, °C	0 – 70
Ҳароратни ўлчашдаги камчиликлар, °C	+(-) 0,5
Ҳароратни ўлчаш вақти, дақиқадан ортиқ эмас.	3
Штирнинг ботириладиган қисми узунлиги, см	100
Электродлар фаол қисми узунлиги, мм	160
Тупроқ ва сувнинг электродлар фаол қисми билан қамраб олинадиган соҳаси ҳажми (горизонт), см	20 20
Тупроқ ва сувга ботишнинг минимал чуқурлиги, см	
Прибор электрон блокиннинг оғирлиги, г	180
Приборнинг йиғилган шаклидаги оғрлиги, граммдан ортиқ бўлмаган.	450

<p>2.2.1-расм. Кондуктометр ўлчаш узелининг юза панели</p>	<p>Приборнинг орқа томондан қопқоғи олинган ҳолатда кўриниши. Пастда AG13 батарейкаларининг икки блоки</p>



2.2.1-схема. Тузлар қуюқлигини ўлчайдиган «Прогресс 1Т» приборининг блок - схемаси



2.2.2-расм «Прогресс 1Т» штирли кондуктометрнинг умумий кўриниши

Текширилаётган муҳитда токнинг кучланиш линиялари нуқтали чизиқ билан кўрсатилган.

Нима учун кондуктометрик ўлчаш услубидан фойдаланиш қулай?

Кондуктометрик ўлчаш услубидан бир қанча асосий сабабларга кўра фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бу борадаги мавжуд билимлар шундан далолат берадики, тупроқдаги эритманинг минераллашув даражасининг ошиши барча турдаги ўсимликларнинг илдиз тизимига қуйидаги тарзда таъсир кўрсатади:

- биринчиси, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши илдиз тизимининг тупроқ эритмаси билан ўзаро таъсир кўрсатиши, авваламбор, қуйидагиларга маълум даражада осмотик таъсир ўтказадиган эрийдиган тузлар қуюқлигига боғлиқдир:
 - илдиз туклари мембраналари ва тупроқ эритмаси;
 - эпibleма – тупроқ эритмаси;
 - тўқитмалар куртак зонаси – тупроқ эритмаси;
 - тўқималарнинг ажралиш зонаси – тупроқ эритмаси;
 - илдиз қопламаси – тупроқ эритмаси.

- иккинчиси, эритмада тузлар қуюқлигининг ошиши осмотик таъсирдан ташқари илдизда тўқималар бўлиниши, уларнинг ўсиши ва ривожланишига ҳам зарарли таъсир кўрсатиб, илдиз тизимининг биологик унумдорлигини пасайтиради.

- учинчи, илдиз тукларининг ҳажми ва сонини қайд этилган сабабларга кўра камайиши ва уларнинг ҳаёт даврининг пасайиши илдиз тизими умумий майдонининг қисқаришига олиб келади. Натижада вегетацион ривожланишнинг иссиқ даврида ўсимликларнинг ерости қисмининг сув ҳамда озуқа моддалари билан таъминланиши камаяди.;

- тўртинчи, тузлар қуюқлиги ошиши тупроқнинг биологик хусусиятини ёмонлаштиради, тупроқнинг биотик кўрсаткичлари сонини, ўсимликлар илдиз тизимига биота ва бошқа маҳсулотлар фаол таъсир кўрсатишини камайтиради;

- бешинчи, тупроқнинг буғланиши ва ўсимликлар эвапотранспирацияси ҳисобидан тупроқда намликнинг камайиши илдиз тизими атрофида тузлар қуюқлигининг кескин ошишига олиб келади ва тупроқнинг тирик флорасига ва илдиз тизимига зарарли таъсир кўрсатади;

Шундай қилиб, тупроқнинг йўл қўйилган даражадан ортиқ шўрланиши ва тупроқ эритмаси ҳамда сизот сувлар минераллашувининг

ошиши тупроқ унумдорлигига унинг ушбу турдаги ўсимлик учун оптимал даражада минераллашган ҳолатига нисбатан катта зарар етказди.

Тупроқнинг шўрланиши ва сизот сувлари минераллашувининг анъанавий баҳолаш услублари кўплаб камчиликларга эга бўлиб, тупроқ шўрланиши ҳамда сувнинг минераллашув даражаси ҳақида тезкор маълумот олиш имконини бермайди.

Таъкидлаш керакки, улардан бутунлай воз кечиб бўлмайди. Негаки, айнан анъанавий ёндашув жорий кондуктометрик ўлчаш мосламаларини текширишга ёрдам беради.

Сувларнинг минераллашуви ва тупроқ шўрланишини баҳолаш учун кетадиган вақт ва маблағ сарфи тахминан юз баравар камаяди ҳамда тупроқни батафсил текшириш учун йўналтирилади .

«Прогресс 1Т» дала прибори эса ушбу мақсадлар учун энг қулай воситадир. У санокли дақиқаларда ичимлик, суғориладиган, сизот, коллектор, дренаж сувларнинг минераллашуви ҳамда тупроқ шўрланиши ҳақида якуний натижани олиш имконини беради.

Суғориладиган массивларда ишларни ташкил этишнинг умумий принциплари

Суғориладиган катта майдонларда прибордан фойдаланишда сизот, дренаж ва коллектор сувларининг минераллашуви, шунингдек, тупроқ шўрланишининг миқдорини кондуктометрик услублар ёрдамида аниқлаш учун «Прогресс 1Т» ёки шунга ўхшаш приборлар қўлланиладиган ҳудудлар тупроқ шўрланиши ва сувлар минераллашувига қараб, ҳудудий комплексларга ажратилиши лозим. Бундай тадқиқотлар амалга оширилмаган бўлса, уларни бажариш мақсадга мувофиқдир.

Бундай ҳудудий комплекслар учун (уларни минераллашувнинг кимёвий таркиби бўйича суғориладиган зоналар дейиш мумкин) сув ва тупроқнинг ўта минераллашган намуналари олинади ҳамда улар асосида эгри даражалаш амалга оширилиши мумкин (ўта тўйинтирилган эритмаларга дистилланган сувни тенг миқдорда қўшиш ва маълум концентратларни «Прогресс 1Т» прибори билан босқичма-босқич ўлчаш орқали амалга оширилади).

Дала ўлчовларидан ишончли фойдаланиш учун иккиламчи шўрланиш кучли таъсир қилган ҳудудларда бундай тадқиқотларни эрта баҳор ва кузда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур тадқиқотлар натижалари харитага киритилиши, минераллашувнинг кимёвий таркиби бўйича суғориладиган зоналар учун

эгри даражалаш худудлар, кузатув кудуқлари ва коллекторлар дарвозларининг паспорти сифатида тақдим этилиши даркор.

Минераллашувнинг кимёвий таркиби бўйича суғориладиган зоналарга асосан худудларни таснифлаш ишлари ҳажми ҳисобга олиниб, кундалик дала ҳамда лаборатория ўлчовлари учун «ИКС-Экспресс»дан фойдаланиш мумкин. Бу жараёнда суғориладиган худудларни кейинчалик таҳлил этиш ва минераллашувнинг кимёвий таркиби бўйича суғориладиган зоналарни аниқлаш учун статистическа маълумотлари тўпланади.

Дехқон ёки фермер хўжаликлари ёхуд колхоз ва совхозлардаги айрим бригадалар учун коллектор тармоқлари учун ажратиладиган суғориш, сизот ҳамда дренаж сувларда тузлар миқдори кўплигини кўрсатган прибор кўрсаткичлари, шунингдек, тупроқ намуналарида тузларнинг мавжудлиги ўртасидаги боғлиқлик вилоят гидрогелогия экспедициялари лабораторияларида ёки Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтида аниқланиши мумкин.

Прибордан фойдаланиш ва даражалашни ўргатиш бўйича зарур ёрдамни «AGROMELIOTARAQQIYOT» фирмасдан олиш, шунингдек, приборни тайёрлаш учун буюртма бериш мумкин. Муаллиф телефони рисола охирида келтирилган.

«ПРОГРЕСС 1Т» кондуктометр-термометрдан фойдаланиш бўйича йўриқнома

Приборнинг афзаллиги ва фойдаланиладиган ўлчов бирликлари

«Прогресс 1Т» кондуктометри тупроқни ўлчаш учун штирли электродлардан фойдаланадиган кондуктометрлар орасида энг мукамал модель ҳисобланади. Вазнининг енгиллиги, тузилиши ва электрон узелларнинг қулай жойлашгани, таъминот батарейкалари катта ресурсга эгаллиги (бир тўплам батарейкалар қарийб 1500 марта фойдаланиш учун етарли) туфайли приборни ишлатиш осон. Ундан фойдаланиш икки-беш дақиқада қалинлиги 20 см ва чуқурлиги 80 см тупроқдан ҳар 10 дақиқада кондуктометрик маълумот олиш имконини беради.

«ИКС-Экспресс» кондуктометридан фаркли ўлароқ, тупроқнинг электр ўтказувчанлиги тўғрисида маълумот олиш учун қавлаш талаб этилмайди ва бу меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради.

Приборда умумқабул қилинган ўлчов бирлиги - mS/cm (dS/m) (русча – mCm/cm ёки dCm/m) фойдаланилган.

ТУПРОҚНИНГ ЭЛЕКТР ЎТКАЗУВЧАНЛИГИНИ ЎЛЧАШ

Прибор тупроқнинг 20 см қалинликда электр ўтказувчанлигини аниқлаш имконини беради.

Тупроқ каттиқ бўлган ҳолатларда тешгичдан фойдаланилади. Кондуктометр штир қисмининг тупроқ билан қалин электр алоқасини таъминлаш учун тешгич қалинлиги 8-10 мм, учининг қалинлиги 6-7 мм ташкил этиши керак.

Тупроқнинг намлиги паст бўлганда (тупроқ намлиги буғланиш макони ҳажмидан 60 фоиз кам бўлса) ёки электроднинг тупроқ билан ишончли боғланиши учун тешилган тешикни намлаш учун суғориш сувидан фойдаланиш мумкин. Икки-тўрт куб сувни тешикнинг пастки қисмига қуйиб, сўнгра бу тешикка штир – кондуктометрни тушириш мақсадга мувофиқдир.

Электроднинг ҳам тупроқ, ҳам сувга вертикал ҳолатда минимал туширилиши камида 20 см бўлиши даркор.

Диапазонларни ўзгартиргич 0-19,99 мСм/см ҳолатида бўлиши керак.

«Электр ўтказувчанлик» - «Ҳарорат» тугмаси босилган ҳолатда бўлиши лозим.

«Ўлчаш» тугмасини босиб, 5-1ғ сонияда таблодаги тупроқнинг электр ўтказувчанлигини ҳисоблаш ва журналга электр ўтказувчанлик графасини ёзиш керак.

Электр ўтказувчанлик миқдори белгиланган диапазондан юқори бўлса, таблода 1 рақами пайдо бўлади. Бу ҳолатда диапазон ўзгартиргични 0-50 мСм/см шкаласига қўйиш ва ўлчашни такрорлаб, қийматни журналга ёзиш керак.

Ўлчанаётган катталиқ 50 мСм/см дан зиёд бўлмаса, аниқлик кафолатланмайди.

Сувнинг электр ўтказувчанлигини ўлчаш..

Ўлчаш тупроқни ўлчаш каби ўлчаш режими ва ўлчаш диапазони тугмасини босган ҳолда амалга оширилади.

Каналлар, коллекторлар, суғориш ва бошқа манбаларда сувни ўлчаш электроднинг фаол қисмини камида 20 см чуқурликка туширган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Электрод сув юзасида қалқиб юрган нефть маҳсулотлари билан ифлосланса, электродни тупроққа яхшилаб ишқалаб олиш лозим. Шундан сўнг ўлчашдан аввал сувни таёқ билан ёки тош отиб чайқатиб, унга электродни зудлик билан ботириш лозим. Ўлчовни амалга ошириб, журналга қайд этиш шарт.

Муҳит ҳароратини ўлчаш.

Ҳарорат диапазон ўзгартиргичнинг чап томони пастидидаги тугмани босган ҳолда ўлчанади. Диапазон ўзгартиргич 0-19,99 мСм/см ҳолатида туриши лозим.

Ҳароратни электр ўтказувчанлик аниқлангандан сўнг ўлчаш яхшироқ. Негаки, бу вақтда прибор учидидаги ҳарорат тупроқ ёки сув ҳарорати билан тенглашади. Электродни ботиргандан сўнг 1,5-3 дақиқа ўтгач ўлчаган яхшироқ. Ушбу вақт оралиғи ҳароратни ўлчашда хато чиқариши мумкин.

Приборнинг ишлаш қобилиятини текшириш.

Бу шундан иборатки, приборга 100 Ом $\pm 0,5$ % тенг қаршилиқни улаш ва тугмани босгандан сўнг прибор индикаторида мазкур йўриқнома ёки ўлчаш узелининг орқа қопқоғида қайд этилган сонга тенг сон акс этиши керак. Бу электроднинг фаол қисми ўртасида 0,1 В га тенг кучланиш белгиланганини, шунингдек, прибор барча ўлчашларни мСм/см (дСм/м) кўрсаткичида кўрсатишини аниқлатади.

Прибор кўрсаткичи масалан 101 га тенг сондан фарқ қилса, қуйидагиларни амалга ошириш даркор:

- Приборда ишлайдиган батарейкалар мавжудлигини қайд этадиган қизил чироқ ёниб турганига ишонч ҳосил қилиш;
- резистор уланган бўлса ўчириш, электрод эса тупроқ ёки сувда турмаслиги лозим;
- нул кўрсаткичини текшириш керак. Таблода нуллар эмас, балки кам сонил рақамлар ёнса, отвёртка ёрдамида таблода нуллар ёниши учун «0» кўрсаткичини»ни бураш керак;
- намунали резисторни қайтадан ёкиб, «Калибровка» шлицы ва отвёртка ёрдамида таблонинг корпуснинг орқа томонида кўрсатилган сонга тенг кўрсаткичини ўрнатиш керак, масалан, 1,01 мСм/см.
- Штирнинг фаол қисмини оксидланиш ёки мой доғларини кетказиш учун тупроққа бир неча марта тикиб олиш лозим.
- Прибор ишга тайёр.

ИЗОҲ:

Сувни ўлчашда унда сульфатлар кўп бўлса, бир литрда граммларни қайта ҳисоблаш коэффициентини $K_{хс} = 0,52$ доирасида қўлланади, хлоридлар кўп бўлса қайта ҳисоблаш коэффициентини $K_{сх} = 0,5$ ташкил этади. Яъни, сувнинг электр ўтказувчанлиги бўйича кондуктометр кўрсаткичларининг натижаларини ушбу ҳудуд учун қабул қилинган сув таснифининг тегишли рақамига кўпайтириш лозим.

Масалан. Коллектордаги сувни ўлчашда кондуктометр 16 даража ҳароратда 1,28 мСм/см электр ўтказувчанликни кўрсатди.

Ҳароратларни тузатиш жадвали бўйича $K_t = 1,18$ га тенг ҳароратни тузатиш коэффициентини топамиз. Бунда сув сульфат-хлорид турига киради ($K_{сх} = 0,5$)

Бунда зич қолдиқ $ZК = 1,28 \times K_t \times K_{сх} = 1,28 \text{ мСм/см} \times 1,18 \times 0,5 = 0,755 \text{ г/л}$ ни ташкил этади.

Мазкур ҳудуд учун янада аниқ натижаларни олиш учун лаборатория маълумотларини олиш ва ҳудуддаги сувлар бўйича эгри даражаланган кўрсаткичга эга бўлиш керак.

2. «Прогресс 1Т» кондуктометри ўлчамларини ФАО таснифи бўйича шўрланиш даражасини баҳолашга мослаштириш.
 ФАО бўйича тупроқнинг электр ўтказувчанлиги маълумотларига нисбатан қўлланиладиган коэффициент тупроқ шўрланишини қайта ҳисоблашда 4,0-4,2 ни ташкил этиши мумкин. Шўрланиш даражаси эса прибордан фойдаланишда қуйидагича аниқланади:

2.2.2-жадвал «Прогресс 1Т» штирли кондуктометрдан олинган қийматларни ҳисоблаш жадвали

Тупроқнинг ФАО бўйича электр ўтказувчанлик миқдори	ФАО бўйича шўрланиш даражасини баҳолаш	ФАО бўйича шўрланиш даражаси ўлчамларини қайта ҳисоблаб чиқиш учун қўлланиладиган 1:1 аралаштирилган пастда прибор кўрсаткичлари	
		$K=4$	4,2
0—2 мСм/см	Шўрланмаган тупроқ	0 дан 0,5 гача	0 дан 0,48 гача
2 - 4 мСм/см	Кам шўрланган тупроқ	0,5 дан 1,00 гача	0,48 дан 0,95 гача
4 - 8 мСм/см	Ўрта шўрланган тупроқ	1,00 дан 2,00 гача	0,95 дан 1,90 гача
8—16 мСм/см	Кучли шўрланган тупроқ	2,00 дан 4,00 гача	1,90 дан 3,81 гача
16 мСм/см кўп	Жуда кучли шўрланган тупроқ	4,00 кўп	3,81 кўп

Ўрганилаётган ҳудудда тупроқ хусусиятлари аниқ бўлмаса, тупроқнинг шўрланиш даражасини ФАО таснифи бўйича аниқлаш учун **$K_{п} = 4,2$** фойдаланиш мумкин.

Эритма учун харорат коэффициенти **$K_{т} = 2 \% \text{ } ^{\circ}\text{C}$** га тенг.

2.3.Қайтган сувлар ва коллектор дренаж тизимларининг техник ҳолати

Кашкадарё вилояти қамаши тумани бўйича сугориладиган ер майдони 34,99М.ГА тенг. Шундан шурланган ер майдони 17,38М.ГА тенг, дерераж билан тамиланган майдони 9,85М.ГА . коникарли ерлар 16.69М.ГА деренаж билан тамилангани 6.31М.ГА. Коникарсиз ерлар 0.92М.ГА деренаж билан тамигани 0.10М.ГА тенг булади.

Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун

1. коллектор зовур тармоқдарини қуриш ва қайта қуриш
 2. коникарли коллекторлар тармоқларини тозалаш.
 3. шурланган тупроқларни йувиш.
 4. кимйовий мелиоратив татбирлар утказиш.
- ишлари олиб борилиши керакдир.

Ҳозирги кунда Қамаши тумани ҳудудларидаги коллекторларининг ҳолати. Коллекторларнинг умумий узунлиги 406.68 км бўлиб , бундан коникарлиси 278.64 км

Коникарсиз талабга жавоб бера олмайдигани еса 129.26 км дир.

Коллекторларни ишга тускинлик қилиш табири 9720га.

Айни вақтда зовурлар тармоқларини ҳам техник ҳолати қуйдагича.

Зовурнинг умумий узунлиги 209.09 км, ишга яроқлиси 158.14 км, яроқсиз еса 50.95 км ни ташкил қилмоқда.

Зовурларнинг сувларидан фойдаланган ҳолда екинларни суғориш ва шўр ювиш учун ишлатган ҳолда ҳосилдорликни оширамиз.

Туманда зовурлардан оқайотган сувларнинг январ, феврал ойларини шўр ювиш учун. Яни зовурлардан уртача оқим миқдори 4.19млн.м³, унинг менирализатси уртача 4.99г/л.

Мартдан сентябргача булган вақтдаги зовур сувларини суғориш учун ишлатиш мумкин. Яни март, апрел, май, ойларини бугдойни суғориш учун, қолган ойлар июн, июл, август ойлари пахтани суғориш учун ишлатиш мумкин. Мартдан майгача булган вақтда зовурлардаги оқим ҳажми 18.72млн.м³ ни ташкил этади. Июндан августгача булган вақтда зовурлардаги оқим ҳажми 17.86млн.м³ ни ташкил этади.

Бу ойларда зовурдаги менирализацияси ўртача 5.32г/л ташкил қилмоқда. Бу даражадаги сувлар ернинг ҳолатига ва екиннинг ҳолатига салбий таъсир этади.

Кашкадарё вилояти Қамаши тумани учун коллектор-зовурлар сувларнинг суғориш учун яроқлиги таркибида 0.7-0.8 г/л туз бўлган сув яхши сифатли, таркибида 0.7-2.0 г/л туз бўлгани коникарли, 1.5-5 г/л туз бўлганлари коникарсиз, таркибида 5 г/л дан кўп бўлган сувлар бўлса ёмон сифатли ҳисобланади.

Сув ресурслари камчил булган 2013 йилда сугориш учун шурланиш даражаси йукори булган коллектор-зовур, вертикал зовур ва сув учун казилган кудуклар сувини ишлатиш хисобига сув танкислигини бир мунча бартараф етиш мумкин.

Сувларнинг сифатини хисобга олмай, ундан фойдалиниш кишлок хужалиги екинлар хосилдорлигини пасайтиради ёки хосилни бутунлай йукотишга ва кайта шурланишга сабаб булади. Ушбу салбий окибатларни олдини олиш учун коллектор-зовур ва ер ости сувларидан фойдаланишдан олдин уларнинг сугоришга яроклигини аниклаш керак.

Кишлок хужалик екинларини сугориладиган сувнинг яроклиги даставвал унинг шурланиш даражаси ва кимёвий таркиби буйича аникланади. Бунинг учун Кишлок ва сув хужалиги вазирлиги, вилоятлардаги гидрогеологик-мелиоратив экспедицияларининг материалларидан фойдаланиш керак, улар коллектор-зовур сувларнинг шурланиш даражасини мунтазам текширилиб борилади. Бу малумотлар булмаган тақдирда коллектордан сув намуналарини олиб кимёвий таркибини анализ килиб туриш керак. Сув олиш намуналарини олиш тадбирларини коллекторларда сув окими кескин узгрганда «куп ва кам булганда» хар ун кунда 1 марта олиш зарур. Сугориш учун вертикал зовур ва «сув учун» казилган кудуклардан сув олинганда, вегетатсия даврида камида 1 марта сувнинг кимёвий таркибини аниклаш зарур. Анализлар вилоятнинг химик ва агрохимик лабораторияларда утказилади.

Пахта екиладиган туманларда екинларни сугоришда факат «яхши» ва «коникарли» сифатга ега булганда сувдан фойдаланиш керак. «Коникарсиз» сифатли сувни чучук сув билан 1:2 нисбатда аралаштирилиб фойдаланиш мумкин. Енгил тупрокли ерларда «коникарсиз» сифатли сувни чучук сув билан аралаштирилган холда июн-июл ойларида бошлаб сугоришда ишлатиш мумкин.

Айрим холлардагина «ёмон» сифатли сувни чучук сув билан аралаштириб «конткарсиз» даражага келтирилгач, зовурлар йетарли микторда екинларга учунчи сувдан бошлаб бериш мумкин.

Зовурларда тупланган шур сувлардан фойдаланишда мавсумий ва хар галги сугориш нормасини ошириб шур ювиш ишларини олиб борган холда утказиш керак.

Хисобга олган, сугориш нормасини хаддан ташкари купайтириш сугоришни утказиш даврини чузиш билан, сугориладиган майдонларда оқавани купайтиради, тупрокнинг илдизи таркалган катламдаги озик моддаларни ва угитларни ювиб кетади. Шу сабабли сугориш нормасини лой тупрокли, огир согтупрокли ерларда 30%дан ва сог тупрокли-кумок вакумли ерларда 50% дан ошмаслиги керак. Шурланган сувдан фойдаланганда екинларни 1-2 марта купрок сугориш керак.

Бу холда сугоришни тупрокдаги намликнинг микдори 0.8 тула нам сигимида етганда бошлаш керак. Шундай килинса тупрок еритмасидаги

шурлик концентратсияси камаяди ва усимликнинг озикаланиш яхшиланади.

Тез-тез сугориш имконяти булмаган тагдирда шур сув билан сугориш нормасини чучук сувга нисбатан ошириш керак.

Шуни ҳисобга олиш керакки, тез-тез сугорганда егат ораларини ишлаш учун кушимча механизмлар ва ишчи кучи талаб қилинади. Сугориш нормасини чучук сув билан сугоришга нисбатан 20-30% қупайтириш керак.

Сувнинг шурланиш даражасини ва тупрок хусусиятини ҳисога олган ҳолда йиллик сув бериш микдорини жадвал малумотидан аниқлаш мумкин.

Сугориш учун мужалланган зовур сувига тусик қилиш учун стационар насос станциясидан ёки кучма насос қурилмасинидан фойдаланиш керак.

Есингизда булсин, зовур сувини тусиш учун тупрокдан тусик қилиш қатий тақиқланади.

Катта майдонларда (2-3 минг гектар ва ундан ортиқ) шур сувдан фойдаланганда сувни олиш учун темаси сугориш каналининг қуйи қисмида магистрал коллектор билан қесишган жойда насос станцияси қуриш лозим.

Шуни етиборга олиш керакки, коллектор-зовур сувларидан янада рационал фойдаланиш учун яхлит бутун далани сугориш керак.

Сувни тусиш пунктлари мелиоратив системаси (сугорқариш) бошқармаси томонидан умумий сув тақсимлаш лимити ер усти чучук сув ва шур сув билан мувофиқ равишда белгиланади, барча зовур сувлари сув тусиги ва фойдаланиш жойидан (хужалик, бригада ва бошқалар) қатий назар умумий лимит системанинг ресурсига қушилиши керак.

Сирдарё ва Амударё қуйи қисмида жойлашган шолиторлик зоналарида бошқа томонга буриб йуборадиган яхши ишловчи тармоқлар мавжуд бўлганда енгил қумлоқ кам шурланган тупроқли ерда шолитупланиш даврида сугоришда шурланиши 3-3.5 г/л гача бўлган зовур оқова сувидан фойдаланиш керак. Тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхши саклаш ва зовур оқова сувидан фойдаланиш натижасида туз йигилишининг олдини олиш учун ундан сугориш ишларида кетма-кет 2-3 йилдан ортиқ фойдаланиш керак.

2.3.1-жадвал. Қамши тумани худудидаги ёпиқ- ётиқ зовур тармоқларининг техник ҳолати тўғрисида

Н	Худудлар номи	Умумий узунлиги, км	Шундан	
			Қониқарли	Қониқарсиз
1	Чим	18.00	18	-
2	Гагарин	30.09	10.44	19.65
3	Фарғона	51.70	39.25	12.42
4	Охунбобоев	74.71	67.39	7.3
5	Навруз	15.17	15.17	-
6	Қорабоғ	13.00	8.00	5.00
7	Ғаллакор	2.00	2.00	-
8	Чимқўрғон	4.42	3.42	1.00
Жами:		209.09	158.14	50.95

**2.3.2-жадвал. Қамаши тумани ҳудудидаги колекторларнинг 01.10.2012
йил ҳолати**

Н	Коллекторлар номи	Узунлиги	Техник ҳолати		Тасир майдонт	Куприк	Қувур утиш жойи
			Қониқарли	Қониқарсиз		Автомобил йули	
			Км				
1	Чим	30.48	20.2	10.28	914	1	6
2	Оқрабод	13.96	-	13.96	419	1	1
3	Мухаммадев	6.25	-	6.25	188	-	1
4	Тукбой	8.57	1.935	6.632	253	-	2
5	Қоратепа	22.92	-	22.92	585	-	2
6	Ғиштли	5.37	2.00	3.37	161	-	-
7	Фарғона	77.92	75.9	2.05	1470	3	7
8	Гагарин	123.3	75.77	47.53	2384	4	10
9	Қорабоғ	39.33	39.33	-	983	2	4
10	Охунбобоев	30.06	20.01	10.05	998	2	4
11	Чимқўрғон	12.85	6.6	6.25	336	-	1
12	Навруз	25.92	25.92	-	722	1	8
13	Ғаллақор	10.97	10.97	-	307	-	3
Жами:		406.68	278.64	129.26	9720	14	49

3. боб Коллектор дренаж сувларининг суғоришда ва шур ювишда ресурсларини баҳолаш.

3.1. Коллектор дренаж ресурсларини баҳолаш

Хозирги кунда сув билан тامينланишда вилоятда зовурлар етарли, лекин ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида новегитация пайтида яхоб сувлари кўпроқ берилганда сизот сувлари олиб чиқишда зовур тармоқлари кўпроқ оғирлик тушади. Ерларни суний дреналанганлигини амалда баҳолаш учун аввалом бор , коллектор-зовур тармоқларини ҳақиқий оқимни уни ташкил этувчи қисмларга бўлиб олиш керак . ирригацион сувлар ташламалари ва зовур сизот сувлари яъни

$$Дкдс=Дг +Сп +Сэ$$

Бу ерда:

Дг-ётиқ дренажлар орқали чиқаётган сувлар , м³/га

С- сув ташламаларининг умумий миқдори, м³/га

Қашқадарё вилояти Қамаши туманида 2012 йилда ҳар бир коллектор – зовурдан малум миқдорда сув оқими оқиши кузатилади. Масалан Жонбуссой зовуридан 3.95 млн.м³, Правда зовуридан 0.82 млн.м³, Қамай зовуридан 8.14 млн.м³, Одамбормас зовуридан 4.16 млн.м³, Киллисой зовуридан 23.42 млн.м³ , Қорабоғсой зовуридан 12.46 млн.м³ , Туқбойдан зовуридан 2.14 млн.м³ сув оқими кузатилган. Туман бўйича жами 55.08 млн.м³ сув оқими кузатилган. Бунинг учун сувнинг ҳарорати, таркибидаги эриган тузларнинг умумий миқдори уларнинг таркиби ва ирригация коэффицентини ҳисобга олиш керак.

Одатда ер ости сувларининг паст ҳарорати бўлиши ўсимликларга салбий таъсир кўрсатади. А. Н.Костяков минерал порсияга 1000-1500 мг/л дан ошмаган ер ости сувларини суғориш учун зарарсиз деб тавсия қилади. Агарда таркибидаги эриган тузларнинг умумий миқдори 1500 дан 3000 мг/л гача бўлган бундай сувларнинг таркибини синчиклаб таҳлил қилиш зарур бўлади, энг юқори меъёри 5000 мг/л ҳисобланади. В. А. Коволнинг маълумотилари бўйича тупроқ қатламида зарарли тузларнинг миқдори 17-15ф бўлганда кўпгина ўсимликлар униб чиқмайди.

Яхши сув ўтказилган ва яхши дреналанган тупроқли ерларни юқори минераллашган (шўр) сув билан суғориш мумкин. Оғир тупроқли сувни ёмон ўтказадиган ерларни суғоришда фойдаланадиган сувларнинг таркибидаги сувлар миқдорини камайтириш керак. Сувнинг таркибидаги тузлар орасида энг зарарли *Na* тузи ҳисобланади.

Бу тузларнинг зарарли даражаси қуйидаги тахминий миқдори нисбати билан тасифланади.

$Na_2 SO_4 .. Na Cl .. NaCO_3. = 1:3:10$. Сувни яхши ўтказувчи тупроқли ерлар учун *Na* тузларнинг қуйидаги юқори чегараси меъёри қабул қилинади. $NaCl - 1000 Na + 2000$ мг/л

$\text{Na}_2\text{SO}_4 - 5000$

Ер ости сувларнинг сифатини тахминий баҳолаш электр йўли билан чегараланган. Шўр ювишни мелиорациялаш:

Сувда эриган айрим тузларнинг ўсимлик учун зарарли даражаси (Л. П. Рораб куйидагича тарифланган).

NaCl Na_2SO_4 Na_2CO_3

MgCl_2 , MgSO_4 MgCO_3

CaCl_2 CaSO_4 CaCO_3

Чизикдан юқоридаги барча тузлар ўсимлик учун зарарли ҳисобланади. Тупроқдаги зарарли тузларнинг ўлчамлари ўсимлик тузилиши, кўриниши ёнига тупроқ таркиби намлик миқдори тупроқдаги косентрация аралашмасига боғлиқ шу сабабли бир хил ўсимликларнинг турли тупроқдаги шароит тузга чидамли ва ҳар хил.

3.1.1-жадвал. Тупроқ шўрланиш классификацияси жадвали

Тупроқни шўрланиш даражаси.	Чўкма қолдиғи.	Оғирлик таркиби %
1. Шўрланган (кучсиз).	< 0,3	
2. Кучсиз шўрланган	0,3	<0,01
	0,3-1,0	0,01-0,10
3. Ўртача шўрланган	0,3 – 1,0	0,01 – 0,1
	1,0 – 2,0	<0,1
4. Кучли	0,3 – 1,0	>0,10
	2,0 – 3,0	< 0,10
5. Шўрхоқ	2,0 – 3,0	➤ 0,10
	> 3,0	➤ < 0,01

Тупроқдаги тузларнинг миқдори ва уларнинг турлари талаб қилинган меъёрдан ошиб кетиши шўрланиш дейилади.

Шўрланиш сабаблари ва уларнинг турлари шўрланиш турлари жуда кўп ва асосий турлари 3та:

Ерларнинг шўрлиги сабабли давлат ҳар йили анчагина зарар кўради.

Суғориладиган ерларнинг шўрланиши ва ботқоқланиш сабаблари 3 та турга бўлинади.

1. Ёғин (ёмғир ва сувларнинг жуда секин ва кам оқиб кетиши) ёки бутунлай оқиб кетмаслиги ҳисоблигининг кичиклиги атрофи дўнг билан пастликлар, ҳаттавларнинг мавжудлиги ўсимликларнинг хужайраси

бўлиб,ўсиши ва ҳоказолар.Сувнинг бир жойда тўпланиб қолиши ёки пастга оқиб кетиши биринчи сабаб бўлади.

2.Юқори жойлашган ҳавзаларда оқиб келаётган ёки ер остидан сузиб чиқаётган сувларнинг ер устини босиши ва ботқоқланиш жараёни, тошқинлардан ёки дарёлар ва каналлар тўсилишидан пайдо бўлади,шунингдек сув омборлари тўлиб қолган вақтда шўрланишлар рўй беради.

3.Гидрологик зонада сизот сувининг, капилляр сувларнинг тупроқдан кўтарилиши ва унинг биологик равишда буғланиши тупроқ шўрланишининг фактори яъни учинчи сабаби ҳисобланади.

3.1.2-жадвал. Коллектор дренаж ресурсларини баҳолаш

Коллектор номи	курсаткичлар	улчов бирлиги	ойлар														жами йиллик
			январ	феврал	март	жами	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	жами	октябр	ноябр	декабр	
жонбуз сой	урт. Сув сарфи	м3/с	0,08	0,05	0,11	0,8	0,18	0,22	0,2	0,18	0,12	0,05	0,15	0,07	0,13	0,1	0,12
	Окими	млн.м3	0,21	0,13	0,29	0,63	0,48	0,59	0,53	0,46	0,32	0,14	0,42	0,2	0,34	0,27	3,95
	минерализатяси	г/л	2,08	2,11	2,42	2,2	1,74	1,23	1,3	1,39	0,74	1,26	1,27	1,18	1	1,08	1,41
Правда	урт. Сув сарфи	м3/с	0,02	0,01	0,04	0,023	0,04	0,04	0,05	0,04	0,04	0,02	0,038			0,01	0,05
	Окими	млн.м3	0,05	0,03	0,11	0,19	0,1	0,11	0,13	0,11	0,11	0,05	0,61			0,03	0,82
	минерализатяси	г/л	4,96	5,19	4,21	4,78	4,25	4,24	5,3	4,68	0,98	5,62	4,17			4,68	4,12
камай	урт. Сув сарфи	м3/с	0,26	0,24	0,3	0,26	0,33	0,38	0,38	0,33	0,38	0,1	0,31	0,12	0,14	0,12	0,26
	Окими	млн.м3	0,7	0,61	0,8	0,7	0,86	1,02	0,98	0,88	1,02	0,27	5,03	0,33	0,36	0,31	8,14
	минерализатяси	г/л	4,96	4,68	4,46	4,47	5,91	5,37	7,56	5,92	4,86	6,29	5,98	5,15	5,2	5,35	5,52
Одамбормас	урт. Сув сарфи	м3/с	0,1	0,12	0,16	0,12	0,17	0,18	0,25	0,2	0,12	0,06	0,16	0,04	0,1	0,09	0,13
	Окими	млн.м3	0,27	0,29	0,43	0,99	0,45	0,48	0,64	0,53	0,33	0,16	2,59	0,1	0,25	0,25	4,16
	минерализатяси	г/л	7,5	9,2	9,6	8,63	5,11	4,59	6,23	3,28	5,6	6,05	5,14	3,86	4,89	4,67	5,9
киллисой	урт. Сув сарфи	м3/с	0,74	0,74	0,8	0,76	0,95	1,03	1,03	1,03	0,87	0,5	0,9	0,46	0,41	0,31	0,74
	Окими	млн.м3	1,98	1,85	2,15	5,98	2,47	2,76	2,68	2,77	2,34	1,3	14,32	1,23	1,06	0,83	23,42
	минерализатяси	г/л	5,46	4,39	4,25	4,7	6,59	6,16	8,74	6,97	5,1	9,5	7,17	8,13	5,27	4,06	6,29
корабогсой	урт. Сув сарфи	м3/с	0,34	0,42	0,6	0,45	0,62	0,62	0,58	0,43	0,34	0,16	0,45	0,24	0,22	0,18	0,39
	Окими	млн.м3	0,91	1,05	1,6	3,56	1,6	1,65	1,49	1,16	0,9	0,41	7,21	0,64	0,57	0,47	12,46
	минерализатяси	г/л	2,67	6,07	4,89	4,54	3,83	3,78	7,85	4,42	2,53	6,27	4,78	6,52	3,29	3,45	4,69
тукбой	урт. Сув сарфи	м3/с	0,06	0,06	0,08	0,066	0,1	0,11	0,06	0,06	0,07	0,05	0,075	0,305	0,06	0,05	0,07
	Окими	млн.м3	0,16	0,15	0,21	0,52	0,27	0,29	0,15	0,16	0,18	0,13	1,18	0,13	0,16	0,13	2,14
	минерализатяси	г/л	5,12	6,68	5,26	5,68	3,84	3,49	6,98	4,72	1,13	6,11	4,37	5,18	3,36	6,09	4,6
туман буйнча	урт. Сув сарфи	м3/с	1,6	1,64	2,09	1,77	2,4	2,58	2,54	2,27	1,94	0,95	2,21	0,98	1,306	0,86	1,74
	Окими	млн.м3	4,28	4,11	5,59	13,98	6,23	6,9	6,59	6,07	5,2	2,45	33,44	2,63	2,74	2,29	55,08
	минерализатяси	г/л	4,71	5,22	4,82	4,91	5,25	4,8	7,42	5,43	4,15	7,55	5,77	6,54	4,18	3,95	5,34

3.2. Коллектор дренаж сувининг сифатини баҳолаш.

Суғориш ва зовур тармоқлари СФУ нинг асосий мулки бўлиб, улар узоқ йиллар давомида фойдаланишга мўлжалланган.

Шунинг учун барча тармоқлар маълум бир қийматга эга ва улар баҳоланади: 1) Ирригация ва мелиорация объектлари ва улардаги иншоотлар, техника таъминоти, барча ресурслари. 2) Хўжалик ички суғориш ва зовур тармоғини ишлаши ФИК (фойдали иш коэффициенти) самарадорлигини ошириш орқали сувни етказиб бериш ҳамда коллектор зовур тармоқларини яхши ишлашини таъминлаш мумкин.

Фермер хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг асосий тамойилларидан бири уларни ўз вақтида ва етарли миқдорда сув ресурслари билан таъминлашдир. Минтақадаги ўсиб бораётган сув танқислиги шароитида сув ресурсларини оптимал бошқариш ва улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш долзарбдир. Хўжалик ички суғориш тизимида сув истеъмолчилари сонини кўпайиши муносабати билан уларга сув етказиб бериш, сувнинг сифатини баҳолаш, сув ҳавзасини, ҳисобга олиб боришга талаб кучайди.

Шунинг учун зарур ҳолларда сув танқислигини қоплаш мақсадида зовур сувларидан фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолларда зовур сувлар таркибидаги минерал эриган моддалар уларнинг концентрацияси ва биологик хусусиятларини инобатга олинади. Сувдаги минералларни камайтириш учун сувни дарё (чучук) сувлари билан аралаштирилади. Чикинди сувлар махсус иншоотларда сунъий тозалашлардан ўтказилади.

Сувларни суғориш учун яроқлигини аниқлашда А.М. Межайко ва Т.К. Воротник (1958), М.Ф. Буданов (1970), стеблер (Изюмов В.В. 1966) ва б.қ. усуллари тавсия этилди.

Ўрта Осиё шароити учун энг мақбул услуб И. Антипов, Каратаев ва Г. Келлер (1959) услубидир.

$$K = ((gSa + gMd) / gNa + 0,23s) \times 0,23$$

Бу ерда: gSa , gMd , gNa – сувдаги катионларнинг миқдорлари, мг-екв; S – сувнинг шўрланиш даражаси, g/l.

$K \geq 1$ бўлса сув суғоришга яроқли.

$K < 1$ бўлса яроқсиз ҳисобланади.

АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти ишлаб чиққан натрий адсорбцион нисбат (САР) қуйидагича аниқланади.

$$САР = Na / \sqrt{(Ca + Mg) + 2}$$

Агар САР < 10 бўлса яроқлилик бўйича сув яхши, $11-20$ бўлса кам қониқарли 20 дан катта бўлса қониқарли ҳисобланади.


Ўзбекистон шароитида сувлар сифатини баҳолашда И.С Рабочев (1984) ишлаб чиққан тавсияларидан фойдаланиш мумкин (1-жадвал)

3.2.1-жадвал. Туз миқдорида кўра сувлар сифатини баҳолаш

1.Жадвал

Т. Р.	Сув сифатини кўрсатгичи	САР	Туз миқдо ри г/л	Шу жумла дан г/л	Шу жум лада н %
1.	Жуда яхши	<5	<1.0	<0.1	<10
2.	Яхши	6-10	2.0	0.4	20
3.	Қониқарли	11-15	5.0	1.8	35
4.	Кам қониқарли	16-20	8.0	4.0	50
5.	Қониқарсиз	>20	>8.0	>4.0	>50

3.2.1-расм. Коллектор тармоқлари харитаси



Шўрланган коллектор-дренаж сувларини қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришга баҳолашни соддалаштирилган услуби.

3.2.2 – жадвал. Ўсимликка таъсири бўйича коллектор-дренаж сувлари сифатини баҳолаш Қашқадарё вилояти шароитида қуйидагича бажарилади.

Сув грухи	Сув сифати	Тузларнинг миқдори г/л	Фойдаланиш шароити.
1	Яхши	$\frac{< 0,5}{< 0,1}$	Барча майдонларда қўлланишга қарши чора кўрмасдан фойдаланиш мумкин.
2	кониқарли	$\frac{0,8-1,5}{0,1-0,3}$	Механик таркиби ўртача бўлган ерларда шўрланишнинг олдини олиш чораларини қўллаб, етарли миқдорда зовурлар бўлган ҳолда ишлатилади.
3	кониқарсиз	$\frac{1,5-4,0}{0,3-0,8}$	Тупроғи енгил ерларда зовурлар етарли миқдорда бўлганда ишлатилади. Ҳар йили ер шўрини ювиб туриш зарур.
4	ёмон	$> 4,0$	Айрим ҳоллардагина ва зовурлар етарли ерларда ўсимликларнинг тузга чидамлигини ҳисобга олиб охириги сув беришда ишлатилади.

Сув ресурслари камчил бўлган йилларда суғориш учун шўрланиш даражаси юқори бўлган коллектор-дренаж, тик қудуқ ва “сув учун” қазилган қудуқлар сувини ишлатиш ҳисобига сув танқислигин бирмунча бартараф этиш мумкин. Бу сувларнинг сифатини ҳисобга олмай, ундан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги экинлар ҳосилдорлигини пасайтиради ёки ҳосилни бутунлай йўқотишга ва қайта шўрланишга сабаб бўлади. Ушбу салбий оқибатларнинг олдини олиш учун коллектор-дренаж ва ер ости сувларидан фойдаланишдан олдин уларнинг суғоришга яроқлигини аниқлаш керак.

Қишлоқ хўжалик экинларини суғориладиган сувнинг яроқлиги даставвал унинг шўрланиш даражаси ва кимёвий таркиби бўйича аниқланади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлигининг вилоятлардаги гидрогеологик-мелиоратив

экспедицияларининг материалларидан фойдаланиш керак, улар коллектор-дренаж сувларининг шурланиш даражасини мунтазам текшириб борадилар. Бу маълумотлар булмаган тақдирда коллекторлардан сув намуналарини олиб кимёвий таркибини анализ қилиб туриш керак. Сув намуналарини олиш тадбирларини коллекторларда сув оқими кескин ўзгарганда (кўп ва кам бўлганда) ҳар ўн кунда 1 марта олиш зарур.

Суғориш учун тик қудуқ ва “сув учун” қазилган қудуқлардан сув олинганда, вегетация даврида камида 1 марта сувнинг кимёвий таркибини аниқлаш зарур. Анализлар вилоятлардаги кимё ва агрокимё лабораторияларида ўтказилади. Коллектор-дренаж сувларининг суғориш учун яроқлилиги 1-жадвалда берилган маълумотларга биноан аниқланади. Қамаш тумани вилоятларида таркибида 0,7-0,8 г/л туз бўлган сув “яхши” сифатли, 0,7-2,0 г/л “қониқарли”, 1,5-5 г/л “қониқарсиз”, 5 г/л дан кўп бўлса “ёмон” сифатли ҳисобланади. Пахта экиладиган туманларда экинларни суғоришда фақат “яхши” ва “қониқарли” сифатга эга бўлган сувдан фойдаланиш керак. “Қониқарсиз” сифатли сувни чучук сув билан 1:2 нисбатда аралаштириб фойдаланиш мумкин. Енгил тупроқли ерларда “қониқарсиз” сифатли сувни чучук сув билан аралаштирган ҳолда июнь-июль ойларидан бошлаб суғоришда ишлатиш мумкин. Айрим ҳоллардагина “ёмон” сифатли сувни чучук сув билан аралаштириб “қониқарсиз” даражага келтирилгач, дренажлар етарли миқдорда бўлган ерларда экинларга учинчи сувдан бошлаб бериш мумкин. Эсда сақлаш керакки, дренажларда тўпланган шўр сувлардан фойдаланишда мавсумий ва ҳар галги суғориш нормасин ошириб шўр ювиш ишларини олиб борган ҳолда ўтказиш керак.

Ҳисобга ол, суғориш нормасини ҳаддан ташқари кўпайтириш суғоришни ўтказиш даврини чўзиш билан бирга, суғориладиган майдонларда оқовани кўпайтиради, тупроқнинг илдиз таралган қатламидаги озиқ моддаларни ва ўғитларни ювиб кетади. Шу сабабли суғориш нормасини лой тупроқли, оғир соғтупроқли ерларда 30 % дан ва соғтупроқли-қумлоқ ва қумли ерларда 50 % дан оширмаслик керак. Шўрланган сувдан фойдаланилганда экинларни 1-2 мартаба кўпроқ суғориш керак. Бу ҳолда

суғоришни тупроқдаги намликнинг миқдори 0,8 тўла нам сифимиغا етганда бошлаш керак. Шундай қилинса тупроқ эитмасидаги шўрлик концентрацияси камаяди ва ўсимликнинг озикланиши яхшиланади.

Тез-тез суғориш имконияти бўлмаган тақдирда шўр сув билан суғориш нормасини чучук сувга нисбатан ошириш керак. Шунини ҳисобга олиш керакки, тез-тез суғорганда эгат ораларини ишлаш учун қўшимча механизмлар ва ишчи кучи талаб қилинади. Суғориш нормасини чучук сув билан суғоришга нисбатан 20-30 % кўпайтириш керак

4.606 Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сув хўжалиги ва Қишлоқ хўжалигига таъсири ва уни бартараф этиш йўллари.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарк қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир

Президентимиз ўз асарларида дунёнинг ҳозирги вақтда бир қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Яъни, «Биринчидан, молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда»¹.


Президентимиз ўз асарларида молиявий инқироз ҳолати ва унинг таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга доир фикрларини давом эттириб, навбатдаги хулосани таъкидлаб ўтдилар: «Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади».

Ушбу устувор йўналишлардан келиб чиқувчи вазифаларни макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишлари

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.

давом эттирилди. Бу чора-тадбирнинг 4-устивор йўналишида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлиги ориришга қаратилган бўлиб, асосий вазифалар ва эришилган натижалар кўсатиб ўтилган.

4.1-схема. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш схемаси



Маълумки, шу йилнинг 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз томонидан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Президентимиз ўз маърузаларида қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминлашнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаб бердилар:

Қишлоқда турмуш даражасини ошириш; қишлоқ аҳолининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш; қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш; қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш; қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш; қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш; қишлоқда пайдо бўлаётган мулкӣ муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш; ер, тупроқ унумдорлигини доимий равишда ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш.

Мазкур йўналишлар бўйича чора-тадбирларни изчил ва тизимли амалга ошириш мақсадида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПП-1046 сонли Қарори асосида кучга киритилди.

Президентимиз ўз маърузаларида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг принципиал аҳамиятга эга бўлган асосий йўналишларига яна бир бор эътибор қаратиб ўтдилар.

Биринчидан, мазкур дастур ижроси билан боғлиқ қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, янги қонунлар қабул қилиш, тегишли қонун ҳужжатларига, Ер кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, дастурда белгиланган вазифалар орасида қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш принципиал муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунинг учун қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий жиҳатдан лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим.

Учинчидан, дастурнинг асосий вазифаси – қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат.

Тўртинчидан, 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар тизимининг изчил амалга оширилишига – яъни, экин майдонларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ирригация-

мелиорация объектларининг тегишли техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги ПҚ-817-сон «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳисобот йилида мазкур Давлат дастури доирасида жами 92,9 млрд сўмлик (123,8%) маблағ мақсадли ўзлаштирилди. Жумладан, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича 47 та лойиҳа (22,4 млрд. сўм) ҳамда 429 та ўрнига амалда 243 та объект бўйича (38,6 млрд. сўм) таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди ва 31,9 млрд. сўмлик мелиоратив техникалар харид қилинди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 266,5 километр масофадаги коллектор-дренаж тармоқлари реконструкция қилинди ва қурилди, узунлиги 11052,7 километр магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторлар тозаланди, жами 896,2 километр масофада ёпиқ-ётиқ зовур тармоқлари таъмирланди ҳамда лизинг асосида 144 дона гидравлик занжирли экскаваторлар келтирилиб, шундан 112 таси янги ташкил этилган Давлат унитар корхоналарига етказиб берилди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш борасида 2009 йилда 3710 га ер майдонида томчилаб суғоришни ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгилаб берилган муҳим чора-тадбирларнинг VII-бўлимда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мақсадли комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш орқали тупроқнинг унумдорлигини тубдан оширишга қаратилган бўлиб, уларда белгиланган муҳим чора-тадбирлар, молиявий маблағлар ҳажми қайт этилган, яъни булар:

Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, фермер хўжаликлари уюшмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан уларга 130 та эксковаторлар, 30 та булдозерлар ва мелиорация машиналари етказиб бериш; 12234 км магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторларни ва 2828 км ёпик, горизонтал ва вертикал дренажларни куриш, қайта тиклаш ва таъмирлаш; 3006 та тик дренаж ва суғориш кудуқларини тиклаш, таъмирлаш ва қайта куриш; ирригация иншоотлари (каналлар, сув омборлари, гидротехник иншоотлар)ни таъмирлаш; 68 та мелиоратив насос станцияларини, 458 та кузатиш тармоқларини, 4472 та гидротехник курилмаларни, 5250 та гидropостларни, 2710 та насос агрегатларини таъмирлаш ва қайта тиклаш; 4639 км каналларни, 305 млн. куб метр сув омборларини куриш ва қайта таъмирлаш; 2009-2020 йилларга мўлжалланган томчилаб суғориш дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш. Молиявий маблағлар ҳажми эса - 213,4 млрд. сўм, (142,5 млн. доллар).

Қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам муҳим ижобий натижалар, ўтган йилга нисбатан 4,5 фоиз ўсишга эришилди. 3 миллион 410 минг тонна пахта хом ашёси тайёрланди, 6 миллион 330 минг тонна ғалла, шу жумладан, 6 миллион 145 минг тонна буғдой етиштирилди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига киритилган чора-тадбирлар ўз мазмуни ва аҳамиятига кўра мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутди. Шу сабабли, ушбу дастурни ҳар томонлама изчил ва тўлиқ амалга оширилиши 2009 йилда ва кейинги даврларда хусусан қишлоқларимизнинг, умумий ҳолда эса мамлакатимизнинг тараққиёти ва равнақига сезиларли ҳисса қўшади.

Хулоса

5.606 ТУМАН АХОЛИСИНИ ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУХОФОЗА КИЛИШ ТАДБИРЛАРИ

5.1 Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари

Меҳнат муҳофазаси инсоннинг ишлаб чиқаришдаги шароитлари ва хавфсизликлари билан қизиқади, фуқаро муҳофазаси эса унинг фавқулотда ҳолатларини ўрганади. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги эса кишилик жамиятининг ҳамма ҳолатлардаги шароитлари ва хавфсизликлари билан қизиқади ва ўрганади.

Таркибий жиҳатдан ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани тўрт қисмдан ташкил топган:

1. Назарий асослари
2. Табиий жиҳатлари
3. Ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги
4. Фавқулотда вазиятлар

Фаолият кишилик жамиятининг бор бўлиб туриши учун зарур бўлган шароитдир. Меҳнат – фаолиятнинг олий шаклидир.

